

**Фаол чет эл инвестициялари, рақобатбардошлик ва юқори ўсиш суръатларининг мутаносиб яхлитлиги - мамлакатнинг барқарор тараққиёт мезони**  
**Ахмедов Ж.Ж.**

**“Эл-юрт умиди” жамғармаси ижрочи директор ўринбосари в.б.**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)**

**E-mail: j.ahmedov0401@gmail.com**

**Тел: +99897-441-15-11**

**Усмонова Н.Х.**

**Мустақил тадқиқотчи**

**Аннотация:** Мақолада миллий иқтисодиёт ва фармацевтика тармоғидаги чет эл инвестициялари, рақобатбардошлик ва ўсиш суръатларидаги тенденциялар тадқиқ этилган. Шунингдек, давлат инвестиция сиёсатининг бош мезони сифатидаги барқарор тараққиётга эришиш учун фаол чет эл инвестициялари, рақобатбардошлик ва юқори ўсиш суръатларининг мутаносиб яхлитлигини таъминлаш зарурати баён қилинган.

**Калит сўзлар:** инвестиция муҳити, давлат инвестиция сиёсати, чет эл инвестициялари ва кредитлар, фармацевтика тармоғи инвестиция фаолияти, рақобатбардошлик, иқтисодий ўсиш, барқарор тараққиёт, мутаносиблик.

**Аннотация:** в статье рассматриваются тенденции иностранных инвестиций, конкурентоспособность и темпы роста экономики отечественной фармацевтической отрасли. Кроме того, констатирована необходимость обеспечения соразмерности активных иностранных инвестиций, конкурентоспособности и высоких темпов роста в достижении устойчивого развития как основных критериев государственной инвестиционной политики.

**Ключевые слова:** инвестиционный климат, государственная инвестиционная политика, иностранные инвестиции и кредиты, инвестиционная деятельность фармацевтической отрасли, конкурентоспособность, экономический рост, устойчивое развитие, сбалансированность.

**Annotation:**—the article discusses the trends of foreign investment, competitiveness and growth rates of the economy of the domestic pharmaceutical industry. In addition, the need to ensure proportionality of active foreign investment, competitiveness and high growth rates in achieving sustainable development as the main criteria for state investment policy was stated.

**Key words:** investment climate, state investment policy, foreign investments and loans, investment activities of the pharmaceutical industry, competitiveness, economic growth, sustainable development, balance.

### **Кириш**

Янгиланаётган Ўзбекистон иқтисодиёти трансформацияси шароитида барқарор ривожланиш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашда чет эл инвестициялари фаоллашувига эришиш муҳим ўрин тутди. Чунончи, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида етти устувор йўналишнинг учинчиси сифатида қайд этилган—“Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш” борасидаги 21-мақсадда ҳам:— Иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни — 1,6 баробар (1750 доллардан 2800 долларга) ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри

келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш учун замин яратиш белгиланган<sup>1</sup>.

Шунингдек, 26-мақсадда эса, инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибadorлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард долларлик чет эл инвестицияларни жалб этишга эришиш учун Тошкент шаҳрида ҳар йили “Тошкент халқаро инвестиция форуми”ни ўтказиб боришга эътибор қаратилган. Албатта, сўнгги йиллардаги амалий чоралар ҳисобига асосий капиталга ўзлаштрилган инвестициялар таркибидаги жалб этилган маблағларда чет эл инвестициясининг улуши 2017 йилдаги 23.8 фоиздан 2021йилга келиб, 42,7 фоизни ташкил этмоқда<sup>2</sup>. Дарҳақиқат, тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари улушининг ортиши маҳаллийлаштиришни жадаллаштириш, технология трансфер қилиш ва экспортбоп рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Мавзуга оид адабиётларни хорижий ва миллий манбалар туркумига ажратиш мақсадга мувофиқ. Сўнгги йилларда эълон қилинган чет эл инвестицияларини жалб қилиш ҳамда дунё фармацевтика тармоғининг ҳозирги ҳолати борасида қатор хорижий манбалар мавжуд<sup>3</sup>. Улар айниқса, COVID-19 пандемиясининг салбий оқибатлари туфайли жаҳон ҳамжамиятининг диққат эътиборида. Масалан, БМТ бош котиби Антониу Гутерришнинг кириш сўзи билан бошланган дунёдаги инвестициявий оқимларга бағишланган UNCTADнинг йиллик маъруза<sup>4</sup> тўпламида COVID-19 пандемиясининг салбий оқибатлари инвестиция оқимларига ҳам салбий таъсир этгани, яъни, маълумотларга кўра, 2020 йилда инвестиция ҳажми учдан бирга камайиб, бир триллион АҚШ доллардан иборат бўлгани таъкидланади. Шунингдек, тўпланда ривожланаётган мамлакатлар, айниқса, дунёнинг энг қашшоқ минтақаларидаги янги саноат ва инфратузилмаларга инвестиция лойиҳаларининг кескин пасайиши билан боғлиқ вазият, яъни, жиддий ташвиш уйғотадиган даражадаги катта зарар эканлиги тавсифланади.

Пандемиядан барқарор ва инклюзив тикланишни қўллаб-қувватлаш эса, глобал инвестиция сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Бунда инфратузилма ва энергия алмашинуви, барқарорлик ва соғлиқка инвестицияларни рағбатлантириш назарда тутилади.

Пировардида, UNCTAD томонидан илгари сурилган мазкур тавсиялар БМТ Глобал кун тартибининг 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадларининг<sup>5</sup> 8 – мақсади (Самарали бандликни ошириш ҳамда эркаклар ҳамда хотин-қизларни муносиб иш билан таоминлаш асосида барқарор ва умумқамровли иқтисодий ўсишга кўмаклашиш) ечимига эришишда сиёсатчилар ва халқаро ривожланиш ҳамжамияти учун муҳим восита бўлиши таъкидланади.

Мавзуга оид сўнгги йилларда эълон қилинган миллий манбалари туркумида республикамызда амалга оширилаётган ислохотлар тафсилоти кенг қамровли ўрганилганини кузатиш мумкин. Хусусан Н.Х.Жумаев, Ю.С.Номонованинг мақоласида сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиётидаги очиқ молиявий инновацияларнинг асосий катализаторлари ҳисобланадиган глобаллашув ва рақамлаштириш фаол ривожланаётган жараёнлар сифатида таъкидланган. Шунингдек, пандемия омиллари таъсири шароитида инвестиция муҳити жозибadorлиги ва чет эл инвестициялари оқимидаги тенденциялар таҳлил қилиниб, хатарлар ва истиқболлар баҳоланади, тегишли хулосалар чиқарилади. Жумладан, 2019-йилда глобал тўғридан-тўғри инвестициялар оқими 1,54 триллион доллар (3 фоиз ўсиш) шундан ривожланган мамлакатлар 800 миллиард доллар, Европа 429 миллиард доллар, энг кўп тўғридан-тўғри инвестициялар олувчи АҚШда 246 миллиард доллар (камайиш 3 фоиз)ни ташкил этгани баён этилади. Мақолада таъкидланишича, ҳозирги шароитда чет эл сармоясини жалб қилиш иқтисодиётимиз учун жуда муҳим ва бу

<sup>1</sup> 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида ПФ-60-28.01.2022 Фармон. <https://lex.uz/docs/5841063>

<sup>2</sup> STAT.uz-веб сайти маълумотлари.

<sup>3</sup> <https://www.efpia.eu/media/637143/the-pharmaceutical-industry-in-figures-2022.pdf>

<sup>4</sup> World investment report 2021. [https://unctad.org/system/files/official-document/wir2021\\_en.pdf](https://unctad.org/system/files/official-document/wir2021_en.pdf)

<sup>5</sup> 2030-йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. ВМҚ № 841 20.10.2018. <https://lex.uz/docs/4013356>

самарага эришиш учун хорижий компания ва фирмаларга янада қулай сармоявий муҳитни яратиш талаб этилади<sup>6</sup>.

Шерзод Мустафакуловнинг хорижий журналда эълон қилинган мақоласи ҳудудларнинг инвестицион жозибдорлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва таснифлашнинг методик жиҳатларига бағишланади<sup>7</sup>. Мақолада ҳудудий иқтисодий имкониятлардан максимал даражада фойдаланиш учун мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда жалб этиладиган илғор инвестицион оқим усулларида фойдаланиш ва уни иқтисодиётни такрор ишлаб чиқаришни кенгайтиришга самарали йўналтириш таҳлил қилинади.

Муаллиф миллий (минтақавий) иқтисодий салоҳиятни баҳолаш усуллари, инвестицион жозибдорликни аниқлашга қаратилган иқтисодий тадқиқотларнинг танқидий шарҳини тақдим этади. Бундан ташқари, минтақавий ривожланиш ва инвестиция дастурларини шакллантиришда сармоявий муҳитнинг таъсирчан омилларини тўлароқ ҳисобга олиш зарурлиги таъкидланади.

К.З.Хомитов ва Н.Т.Исматованинг тадқиқотларида мамлакатимиз ҳудудларининг инвестицион жозибдорлигини ошириш учун қулай инвестицион муҳитни яратиш механизмини қўллаш бўйича тавсиялар берилган<sup>8</sup>. Жумладан, ҳудудларнинг инвестициявий жозибдорлигини янада юксалтириш учун: халқаро рейтингларда иштирокни таъминлаш ва юқори ўринларни эгаллаш ҳамда инвестицион муҳит жозибдорлигига таъсир кўрсатадиган омилларнинг таъсир доирасини аниқ ҳисоблаб чиқишдан иборат икки гуруҳдаги тадбирларни амалга оширишга эътибор қаратилади:

С.Ў.Омонов ва Б.Б.Очиловнинг мақоласида ҳам ҳудудий инвестицион жозибдорликнинг мазмун-моҳияти, тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда инвестицион жозибдорликни ошириш ҳақида иқтисодчи олимларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганилган. Шунингдек, 2025 йилгача ишлаб чиқилган давлат инвестиция сиёсатининг мақсади ва вазифалари таҳлил қилинган. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг инвестицион жозибдорликни ошириш бўйича тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишга доир халқаро амалиётда эришилган кўрсаткичлар индекси (GFICA-Global Foreign Investment Country Attractiveness) маълумотлари асосида умумлаштирилиб, мамлакатимиз ҳудудларида инвестицион жозибдорликни ошириш бўйича тавсиялар шакллантирилган<sup>9</sup>.

Ж.Р.Ҳошимовнинг тадқиқотлари иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши асосида умумлаштирилган.<sup>10</sup> Тадқиқот ишида миллий иқтисодиётда инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш борасида таклифлар киритилган.

Жумладан: йирик корхоналар устав капиталларидаги давлат акциялар (улушлар) пакетларини сотиш; чет эллик инвесторларга кафолатлар ва қўллаб-қувватлаш чораларини, хусусан, имтиёзлар ва преференцияларни ҳар бир аниқ ҳолатда бериш; истиқболда хорижий инвесторнинг юқори қийматли ва ўз маблағлари улуши 25 фоиздан кам бўлмаган қўшма инвестиция лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлашни молиялаштиришни бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириш; хорижий инвестиция иштирокида ташкил этиладиган корхоналар устав фондидаги хорижий инвестициялар улушининг энг кам миқдорини 15 фоиздан 10 фоизгача камайтириш кабилар.

<sup>6</sup> Н.Х.Жумаев, Ю.С.Номонова. Современное состояние развития глобальных потоков иностранных инвестиций “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 4, iyul-avgust, 2021 yil <http://iqtisodiyot.tsue.uz>

<sup>7</sup> Sherzod Mustafakulov. Investment Attractiveness of Regions: Methodic Aspects of the Definition and Classification of Impacting Factors.// European Scientific Journal, edition Vol.13, №.10, April 2017. – P. 17; <https://core.ac.uk/download/pdf/236407742.pdf>

<sup>8</sup> Xomitov K.Z.Ismatova N.T. Hududlarning investitsion jozibadorligi oshirish: muammolar va yechimlar. "Логистика ва иқтисодиёт" илмий электрон ж. 2021 й. 2 сон 37-44-б. <http://economyjournal.uz/>

<sup>9</sup> Омонов С.Ў., Очилов Б.Б. Тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда инвестицион жозибдорликни ошириш. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали. №2, апрель, 2021 йил.

<sup>10</sup> Ҳошимов Ж. *Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш йўналишлари*: Монография. – Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2022 й.

### Тадқиқот методологияси

Тадқиқот давомида чет эл инвестициялари, рақобатбардошлик ва юқори ўсиш суръатларининг мутаносиблигига доир ўрганишнинг тизимли ёндашув, мантиқий фикрлаш, индукция ва дедукция, таққослама таҳлил каби усулларидан фойдаланилган.

### Таҳлил ва натижалар

Мамлакатимиз фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш<sup>11</sup>, чет эл инвестицияларини ҳамда етакчи хорижий компанияларнинг инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга жалб қилиш, инновацион фармацевтика маҳсулотларини яратишни рағбатлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш ҳажмлари ва экспорт салоҳиятини кенгайтириш мақсадида

2022 — 2026 йилларда миллий фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш бўйича амалдаги ҳолатга нисбатан ҳисобланган тўрт туркумдаги прогноз параметрлари;

2022 — 2024 йилларда фармацевтика соҳасида амалга ошириладиган 72 банддан иборат инвестиция лойиҳаларининг манзилли дастури;

2022 — 2026 йилларда фармацевтика соҳасида лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш талаб этиладиган 19 та банддан иборат инвестиция лойиҳаларининг рўйхати ҳамда 2022 — 2026 йилларда фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш бўйича “йўл харитаси” белгиланди. Ҳужжатдан кўринади-ки, 2022 — 2026 йилларда фармацевтика тармоғини ривожлантириш бўйича прогноз параметрлари ҳам тасдиқланган (1-жадвал).

Жумладан, тармоқни ривожлантиришнинг 2026 йилдаги мўлжаллари мос равишда амалдаги ҳолатга нисбатан: ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми бўйича, (млрд.сўм)- 3,2дан 8,2; Ўзлаштирилган маҳсулотлар сони бўйича, (дона)- 3350 дан 5100; Дори воситаларига бўлган йиллик талабни қоплаш даражаси бўйича, (маҳсулот кўринишида)- 45% дан 80%; Фармацевтика маҳсулотлари экспорти бўйича, (млн.доллар) - 60 дан 130 бирлик кўрсаткичга эришиши кутилмоқда<sup>12</sup>.

1-жадвал.

### 2022 — 2026 йилларда фармацевтика тармоғини ривожлантириш бўйича прогноз параметрлари

Мақсадли параметрлар	Амалдаги ҳолат	Кутилаётган кўрсаткичлар				
		2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил	2026 йил
Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми (млрд.сўм)	3,2	3,6	3,9	4,2	5,9	8,2
Ўзлаштирилган маҳсулотлар сони (дона)	3350	3450	3800	4150	4800	5100
Дори воситаларига бўлган йиллик талабни қоплаш даражаси (маҳсулот кўринишида)	45%	55%	59%	63%	78%	80%
Фармацевтика маҳсулотлари экспорти (млн.доллар)*	60	90	100	110	122	130

2-жадвал маълумотларининг таҳлиliga кўра, 2015-2021 йиллар оралиғидаги динамикада асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳамда чет эл инвестициялари ва кредитлари улушининг изчил ўсиш суръатини кузатилмоқда. Яъни, 2015-2021 йиллар оралиғида -жами инвестициялар ҳажми 534,59%га, чет эл инвестициялари ва кредитлари улуши 228,65%га ортгани маълум бўлади.

<sup>11</sup> [https://www.reportlinker.com/p06241981/Pharmaceuticals-Global-Market-Report.html?utm\\_source=GNW](https://www.reportlinker.com/p06241981/Pharmaceuticals-Global-Market-Report.html?utm_source=GNW)

<sup>12</sup> 2022 — 2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. ПФ-55-21.01.2022 Фармон. <https://lex.uz/docs/5834287>

**Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларда чет эл инвестициялари ва кредитлари динамикаси**

Йиллар кесимида	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Жами инвестициялар, млрд. сўм.;	44810,4	51232,0	72155,2	124231,3	195927,3	210195,1	239552,6
Чет эл инвестициялари ва кредитлари улуши, %да	18,5	20,7	23,8	24,3	43,6	42,7	42,3

3-жадвал маълумотларининг таҳлиliga кўра, республикамиз асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўсиш суръатида изчилликни кузатиш мумкин. Яъни, йиллик ўсиш суръати 2020 йилда 7,28%га, 2021йилда 13,97%га ортган. Бошқа асосий фондлар салмоғи ҳам 2019-2021 йиллар оралиғида 45,23%; 47,43% ва 52,47% га ортган.

**Асосий капиталга инвестицияларнинг асосий фондлар турлари бўйича таркиби, млрд сўм**

Асосий фондлар	2019й.	Улуш,%	2020й.	Улуш,%	2021й.	Улуш,%
Жами	195927,3	100,00	210195,10	100,00	239552,60	100,00
Шундан машина ва ускуналар, жами	107305,8	54,77	110493,80	52,57	113863,90	47,53
Транспорт ускуналари	16588,20	8,47	12415,20	5,91	14574,50	6,08
Ахборот, компьютер ва телекоммуникация (АКТ) ускуналари	3194,80	1,63	7347,00	3,50	5325,60	2,22
Бошқа машина ва ускуналар	87522,70	44,67	90731,60	43,17	93963,80	39,22
Бошқа асосий фондлар	88621,50	45,23	99701,30	47,43	125688,70	52,47

Бирок, 2019-2021 йиллар оралиғидаги тенденцияларда бошқа асосий фондлар салмоғининг ортиши кузатилиши баробарида, жами машина ва ускуналар салмоғининг пасайиши, яъни, салмоқ: 54,77% дан 52,57% ва 47,53% га тушган. Айти пайтда бундай пасайиш машина ва ускуналар таркибидан ўрин олган транспорт, ахборот, компьютер ва телекоммуникация (АКТ) ускуналарининг ўсишида барқарорлик йўқлиги баробарида бошқа машина ва ускуналар салмоғидаги тенденцияда пасайиш юз берган. Бундай тенденцияни миллий рақобатбардошлик ошиши нуқтаи назаридан ижобий баҳолаб бўлмайди. Чунки, асосий фондлар таркибига йўналтирилган инвестицияларда фаол қисм салмоғининг пасайиши самарадорликка салбий таъсир этадиган муҳим омил ҳисобланади.

Шу ўринда жаҳон фармацевтика саноатидаги тенденцияларга ҳам тўхталишга тўғри келади. Фармацевтика саноати глобал иқтисодий муҳитнинг энг динамик, ўзгарувчан ва инновацион қисмларидан бири сифатида жамиятга катта таъсир кўрсатади ва соғлиқни

<sup>13</sup> <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/investment> маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

<sup>14</sup> <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/investment> маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

сақлаш тизимлари ҳолатининг кўрсаткичи ҳисобланади. Сўнги ўн йилликларда бозор кучларининг илгари тузилган ва барқарор мувозанатини ўзгариб, ишлаб чиқариш қувватларининг ривожланаётган мамлакатларга ўтказилиши, янги бозорларга кириш ёки янги қонун каби баъзи ўзгаришлар рўй берди.

Германиянинг Дармштадт техника университетининг Давлат иқтисодиёти ва иқтисодий сиёсат бўлими негизда жойлашган мустақил иқтисодий тадқиқот институти (**WifOR**)- маълумотларига кўра, фармацевтика саноати ЯИМга ҳиссаси бўйича глобал соғлиқни сақлаш иқтисодиётининг 8 фоизини ташкил қилади ва замонавий муаммоларни ҳал қилишда муҳим рол ўйнайди. Сўнги ўн йил ичида тармоқда доимий ўсиш кузатилди ва бу тенденция давом этиши прогноз қилинмоқда. Европа Иттифоқи учун ўсиш суроати 2022 йилгача 3,1 фоиз, Шимолий Америка учун 5,4 фоиз деб баҳоланмоқда<sup>15</sup>.

Тармоқдаги тенденциялар уч омининг (тўғридан-тўғри, билвосита ва индукцияси) йиғиндиси таъсирга боғлиқ экан. Келажакдаги катта таъсирлар кенг фойдаланилмаган ривожланаётган бозорларда сезилиши кутилмоқда. Улар дори воситаларидан аҳоли жон бошига фойдаланишни кўпайтириш ва истеъмолчилар даромадларини ошириш нўқтаи назаридан катта ўсиш потенциални тақдим этади. Бу ҳудудларда соғлиқни сақлаш харажатлари 2023 йилгача 5-8 фоизга ўсиши билан бир қаторда, ялпи ички маҳсулотга қўшган ҳиссаси ва аҳоли бандлиги нўқтаи назаридан бундан кейин жаҳон иқтисодиётига сезиларли иқтисодий таъсири бўлиши кутилмоқда.

Чунки, жаҳон фармацевтика саноати икки томонлама иқтисодий таъсирга эга. Биринчидан, фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш орқали глобал ялпи ички маҳсулотга бевосита ҳисса қўшади ва кўплаб ишчиларни қўллаб-қувватлайди. Иккинчидан, мазкур тармоқ ўзининг иқтисодий фаолияти орқали глобал қиймат занжирларига боғлиқлиги орқали қўшилган қиймат ва бандликни яратишга ҳисса қўшади.

Ушбу билвосита, шунингдек, хусусий истеъмол ортиши ҳисобига юзага келадиган иқтисодий таъсирлар глобал фармацевтика саноати тараққиётида муҳим рол ўйнайди. 2017 йилда фармацевтика саноатига хом ашё етказиб берувчи етакчи ўнталикни 17%лик билан кимё саноати бошқарса, фармацевтика саноати маҳсулотларнинг қарийб 90 фоизини харидорларнинг ўнталиги истеъмол қилган бўлса, инсон саломатлига хизматлари 64,3 фоиз улуш (масалан, шифохона материаллари ва рецепт бўйича дори воситалари)ни эгаллаган.

Ундан кейинги 7,8 фоизлик улуш кимё секторига тўғри келган.

Навбатдаги таҳлилда EFPIA фаолиятига тўхталишга тўғри келади. EFPIA (The European Federation of Pharmaceutical Industries and Associations) Европанинг 33 та давлатидаги миллий фармацевтика саноати ва уюшмалари федерацияси 1900 га яқин фармацевтика компаниясининг манфаатларини ифодалайди<sup>16</sup>.

EFPIA фаолиятини тартибга солиш учун EFPIA кодекси амал қилади. EFPIA кодекси - бу EFPIA аозолари томонидан тиббиёт ходимларига дори воситаларини тарғиб қилиш ва ушбу фаолиятнинг энг юқори ахлоқий тамойилларга мувофиқ амалга оширилишини таъминлаш учун тиббиёт ходимлари билан бошқа иштирокчиларнинг ўзаро муносабатларга оид ахлоқий қоидалар тўпламидир.

Маълумотларга кўра, Шимолий Америка 2021 йилда фармацевтика бозоридаги энг йирик минтақа бўлди. 2016-2021 йилларда сотилган янги дори воситаларининг 64,4 фоизи АҚШ бозорига тўғри келган бўлса, Европа Иттифоқи бозорида бу кўрсаткич 16,8 фоизни ташкил этган<sup>17</sup>. Жаҳон фармацевтика бозори 2021 йилдаги 1 454,66 миллиард доллардан 2022 йилда 1 587,05 миллиард долларгача ўсиши кутилмоқда ва йиллик мураккаб ўсиш суръати 9,1% ни ташкил қилади.

Ўсиш, асосан операцион муаммолар ҳал этилиши ҳисобига эришилган. Яъни, компанияларнинг ўз фаолиятини қайта йўлга қўйиши ва COVID-19 таъсиридан тикланиши билан боғлиқ. ЖССТ маолумотларига кўра, 2030 йилга келиб, сайёрамиздаги ҳар олти кишидан бири 60 ёш ва ундан катта бўлади. 60 ва ундан катта ёшдаги аҳоли улуши 2020 йилдаги 1 миллиарддан 2050 йилга келиб 2,2 миллиардга кўтарилиши кутилмоқда.

### **Хулоса ва таклифлар:**

<sup>15</sup> [https://www.ifpma.org/wp-content/uploads/2021/04/WifOR\\_Global\\_Economic\\_Footprint\\_Study\\_September\\_2020.pdf](https://www.ifpma.org/wp-content/uploads/2021/04/WifOR_Global_Economic_Footprint_Study_September_2020.pdf)

<sup>16</sup> <https://www.efpia.eu/media/637143/the-pharmaceutical-industry-in-figures-2022.pdf>

<sup>17</sup> <https://finance.yahoo.com/news/pharmaceutical-drugs-global-market-report-112800202.html>

Янги Ўзбекистонда фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш борасидаги ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали амалга оширилаётган чора тадбирлар миллий иқтисодиётнинг юқори поғоналарга кўтарилишида муҳим омил ҳисобланади. Бироқ, юқоридаги таҳлилларга кўра, чет эл инвестицияларни жалб этишдаги муайян номутаносибликлар юқори ўсиш суръатларини таъминлашда салбий таъсир этиши юзага келишига сабаб бўлиши кузатилмоқда.

Жаҳон фармацевтика саноати ва дорилари бозоридаги тенденциялар тармоқнинг халқаро рақобатбардошлигини ошириш асосида импорт ўрнини босадиган ва экспортга йўналтирилган салоҳиятни юзага келтирадиган ёндашувни кучайтиришни тақозо этмоқда. Яъни, фаол чет эл инвестициялари, рақобатбардошлик ва юқори ўсиш суръатларининг мутаносиб яхлитлигига эришиш мамлакатнинг барқарор тараққиёт мезони ҳисобланади. Шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимини дори воситалари ҳамда асбоб ва ускуналар билан таъминлаш, чиқиндиларни йўқ қилиш, тозалаш, стерилизация қилиш ва назорат қилиш жараёнини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ бошқа ёрдам тадбирларига технологик механизм бўлган фармацевтика логистикасининг мунтазам фаолияти учун ташкилий-услубий асосларни ишлаб чиқиш талаб этилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида ПФ-60-28.01.2022 Фармон. <https://lex.uz/docs/5841063>
2. 2022 — 2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. ПФ-55-21.01.2022 Фармон. <https://lex.uz/docs/5834287>
3. 2030-йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. ВМҚ № 841 20.10.2018- <https://lex.uz/docs/4013356>
4. Жумаев Н.Х., Номонова Ю.С. Современное состояние развития глобальных потоков иностранных инвестиций "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 4, iyul-avgust, 2021 yil <http://iqtisodiyot.tsue.uz>
5. Ахмедов Ж.Ж. Миллий ва фармацевтика тармоғидаги инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг институционал жиҳатлари-"UzBridge" электрон журнали 2022 йил I – сон, 4–12 б. -[www.uzbridge.eyuf.uz](http://www.uzbridge.eyuf.uz)
6. Ҳошимов Ж. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш йўналишлари: Монография. – Т.: "Iqtisod-Moliya", 2022 й.
7. Xomitov K.Z.Ismatova N.T. Hududlarning investitsion jozibadorligi oshirish: muammolar va yechimlar. "Логистика ва иқтисодиёт" илмий электрон ж/. 2021 й. 2 сон 37-44-б. <http://economyjournal.uz/>
8. Омонов С.Ў., Очиллов Б.Б. Тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда инвестицион жозибadorликни ошириш. "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий журнали. №2, апрель, 2021 йил
9. Sherzod Mustafakulov. Investment Attractiveness of Regions: Methodic Aspects of the Definition and Classification of Impacting Factors.// European Scientific Journal, edition Vol.13, №.10, April 2017. – P. 17; <https://core.ac.uk/download/pdf/236407742.pdf>
10. Мустафакулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибadorлиги. илмий-амалий қўлланма. Тошкент: Baktria press, 2017. – 320 б.
11. Ўзбекистонда рақобат қонунчилиги ва сиёсатига кириш- <https://www.oecd.org/countries/uzbekistan/an-introduction-to-competition-law-and-policy-in-uzbekistan.htm>
12. Тўғридан-тўғри инвестицияларни тартибга солиш чекловлари индекси- <https://www.oecd.org/investment/fdiindex.htm>
13. OECD халқаро инвестициялар бўйича ишчи ҳужжатлари-[https://www.oecd-ilibrary.org/finance-and-investment/the-determinants-of-foreign-direct-investment\\_641507ce-en](https://www.oecd-ilibrary.org/finance-and-investment/the-determinants-of-foreign-direct-investment_641507ce-en)
14. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси веб сайти- <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/investments>